

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Харид комиссиясининг раиси,
«Тошкент вилояти минтақавий
йўлларга буюртмачи хизмати»



ДУК директори

Нурматов Б.Б.

“ 02 ” 2022 йил

Паркент тумани Истиқлол МФЙ Мехнатабод кўчасини жорий таъмирлаш лойиҳа-смета
ҳужжатларини ишлаб чиқиш

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТИ № 3 л

Тошкент вилояти 2022 йил

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

УМУМИЙ ҚИСМ

Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифнома.

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома.

Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини техник баҳолаш ва таклифларнинг молиявий қисмини баҳолаш мезонлари.

Энг яхши таклифларни танлаш ахборот жадвали.

Тақдим қилинадиган шакл ва иловалар наъмуналари.

ТЕХНИК ҚИСМ

Техник топшириқ.

ТИЖОРАТ ҚИСМ

Буюртмачининг бошланғич нархи.

Ишлар(Хизматлар)ни бажариш муддати.

Молиялаштириш манбаси.

Молиялаштириш шартлари.

Шартнома валютаси.

Шартнома лойиҳаси.

УМУМИЙ ҚИСМ.

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

“Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК энг яхши таклифларни танлашда иштирок этишга энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларини таклиф этади ва қуйидаги объект бўйича энг яхши таклифларни танлаш таклифини тақдим этилишини сўрайди.

Объект номи: Паркент тумани Истиқлол МФЙ Мехнатабод кўчасини жорий таъмирлаш лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан)- 15 447 000сўм.

(ҚҚС сиз) – 13 432 174 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати –20 кун.

Буюртмачи: “Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК

Манзил: Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар Бобур кўчаси 119-уй

Лойиҳани молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари.

Таклиф этилган шартлар бўйича энг яхши таклифларни танлашда мурожаат билан барча маҳаллий лойиҳачи ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- фуқаролик муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;
- доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига (лойиҳа бош муҳандиси, лойиҳа бош архитектори ва бошқа мутахассисларга) эга бўлиши;
- Асосий воситаларига, шу жумладан моддий-техник базасига, лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш моддий-техник воситаларига эга бўлиши;
- ўз айланма маблағи билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффицентдан кам бўлмаган);
- тўловга кодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффицентдан кам бўлмаган);
- энг яхши таклифларни танлаш объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;
- бажарилган ишлар(хизматлар), шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар(хизматлар) ҳажми ҳақида маълумотларни тақдим этиш;
- устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар энг яхши таклифларни танлаш предмети бўлган иш(хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун хужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларига руҳсат этилади.

Қуйидаги энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларига энг яхши таклифларни танлаш жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- Қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турган;
- Мол-мулки мусодарага олинган ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Энг яхши таклифларни танлаш таклифини тайёрлаш ва тақдим қилиш учун керакли барча ҳужжатлар энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларининг таклифлари <https://xarid.uzex.uz/> порталида кўрсатилган муддат вақтига қадар қабул қилинади.

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари томонидан тақдим қилинган таклифларни очиш <https://xarid.uzex.uz/> порталида кўрсатилган муддатда бўлиб ўтади.

Буюртмачи ташкилот раҳбари:



Б.Б.Нурматов

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

I. ИШЛАРНИНГ(ХИЗМАТЛАР) ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи – энг яхши таклифларни танлаш ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект бўйича ишлар(хизматлар)ни олиб боришни мўлжаллаб, энг яхши таклифларни ТАЖда кўрсатилган объект бўйича энг яхши таклифларни танлаш эълон қилади.

1.2. Энг яхши таклифларни танлаш тури – очик энг яхши таклифларни танлаш.

1.3. Иш(хизмат)лар энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган намунавий шартнома талабларига биноан бажарилиши лозим.

II. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига биноан ишлаб чиқилган ва умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур йўриқномани, тақдим қилинадиган шакл ва иловалар қўшилган ҳолда ўз ичига олади.

2.2.1. Тақдим қилинадиган шакллар рўйхати:

- Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (1-шакл).
- Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари (2-шакл).
- Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (3-шакл).
- Энг яхши таклифларни танлаш объектига ўхшаш объектларда охириги уч йиллик иш тажрибаси (4-шакл).
- Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишларини бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари рўйхати (5-шакл).
- Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича шартномалари) объектлари (6-шакл).
- Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома (7-шакл).

2.3. Техник қисм:

- Техник топшириқ.

2.4. Тижорат қисми:

- Смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишларнинг бошланғич нархи;
- Ишларни бажариш муддати;
- Молиялаштириш манбаси, шартлари ҳамда шартнома лойиҳасидан иборат.

III. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур лойиҳа бўйича энг яхши таклифларни танлашда таклиф этилган шартлар бўйича иштирок этиш мақсадида мурожаат этган ташкилотлар энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун, мазкур йўриқноманинг VII боби талабларига биноан энг яхши таклифларни танлаш таклифини тақдим этиши лозим.

3.3. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ўзининг энг яхши таклифларни танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим қилиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак. Бунда буюртмачи, энг яхши таклифларни танлаш ташкилотчиси ва энг яхши таклифларни танлаш комиссияси энг яхши таклифларни танлаш натижаларидан қатъий назар мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (таклифлар) энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

IV. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ

4.1. Буюртмачи энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш куни олдин энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Иш ҳажмларини (хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмади. Бунда ушбу энг яхши таклифларни танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўч иш кунига узайтирилиши керак.

Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси электрон равишда энг яхши таклифларни танлаш ташкилотчисига энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари бўйича тушунтириш ва аниқлик киритиш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли.

4.3. Буюртмачи энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг сўрови бўйича энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларига оид маълумот ва материалларга тушунча бериш билан боғлиқ сўровлар моҳияти бўйича белгиланган тартибда электрон равишда жавоб беришга мажбур.

4.4. Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш улар буюртмачи ёки энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг сўровига жавобан амалга оширилганлигидан катъий назар “Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларига хабарнома” кўринишда расмийлаштирилади ва энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларига қўшимча бўлиб қолади. Буюртмачи энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари ноқонуний киритган ўзгартириш ва қўшимча учун жавобгар бўлмайдилар.

V. ХУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ

5.1. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларини ўрганиб чиқишлари керак.

5.2. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (жорий таъмирлаш) объектини бориб кўришлари, объектдаги бартараф этилиши лозим бўлган нуқсонларни ўрганиб чиқиб, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг юқоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш(хизмат) ҳажмларига ва бошқа шартларга, шунингдек иш(хизмат)ни тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

VI. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ

6.1. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, энг яхши таклифларни танлашга оид барча хабарномалар ва ҳужжатлар, энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари билан буюртмачи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси энг яхши таклифларни танлаш таклифини мазкур энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг бошқа қисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси энг яхши таклифларни танлаш таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.3. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ўз энг яхши таклифларни танлаш таклифининг таркибида фақат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

VII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ХУЖЖАТЛАР

7.1. **Биринчи йиғма жилд таркибидаги ҳужжатлар:**

7.1.1. ТАЖда кўрсатилган суммага Энг яхши таклифларни танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати ишларнинг бошланғич нархининг 3 фоизидан ошмаслиги зарур.

7.1.2. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (1-шакл). Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси томонидан мустақил кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасини тақдим этишга мажбур.

7.1.3. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг охириги уч йилдаги молиявий аҳволи (2-шакл). Шаклга энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлари)нинг нусхаларини илова қилишга мажбур. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, 2-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

Объектнинг буюртмачи белгилаган бошланғич нархининг 20 % миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади).

7.1.4. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (3-шакл). Шакл ташкилотнинг охириги ҳисобот даври асосида молиявий кўрсаткичлари тўлдирилиб тегишли солиқ органлари томонидан тасдиқланади.

7.1.5. Энг яхши таклифларни танлаш предметиға ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси (4-шакл). Ушбу жадвалда энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси энг яхши таклифларни танлаш предметиға ўхшаш ишларининг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак. Шаклда кўрсатилган маълумотларни тасдиғи сифатида энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси томонидан бажарилган ишлар(хизматлар) далолатномалари ёки ҳисоб-фактураларнинг нусхалари илова қилинади.

7.1.6. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишларини бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари рўйхати (5-шакл).

7.1.7. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг энг яхши таклифларни танлаш ўткизилаётган даврдаги жорий объектлари (лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича шартномалари) бўйича маълумот (6-шакл).

7.1.8. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган объектини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома (7-шакл).

7.1.9. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларнинг гувоҳнома нусхаси, лицензия ва рухсатномалар нусхалари, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ДСИ маълумотномаси ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар.

7.1.10. Юқорида сўралган шакллар ва ҳужжатларга энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ТАЖДа кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

VIII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФИ НАРХИ

8.1. Энг яхши таклифларни танлаш таклифининг нархи иш(хизмат)лар қийматига мувофиқ такдим этилиши керак.

IX. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ.

9.1. Энг яхши таклифларни танлаш таклифининг амал қилиш даври энг яхши таклифларни танлаш таклифлари очилган кундан бошлаб 30 кундан кам бўлмаслиги керак, агарда ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

9.2. Алоҳида ҳолларда таклифнинг бирламчи амал қилиш даври тугаш вақтигача буюртмачи энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари билан таклифнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақида келишиши мумкин, келишув ёзма шаклда расмийлаштирилган ҳолда.

X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ

10.1. Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида кўрсатилган барча шакл ва иловаларни асл нухаларини белгиланган тартибда тасдиқлаб сканер вариантда <https://xarid.uzex.uz/> полталга жойлаштирилиши шарт. Комиссияси ҳар қандай ўзгартиришлар, четга чиқишлар ёки муқобил таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларини оширувчи ўзгартиришлар, четга чиқишлар, муқобил таклифлар ва бошқа омиллар энг яхши таклифларни танлаш таклифларини баҳолашда эътиборга олинмайди.

XI. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИ БЕРИШ

11.1. Дастлабки малака энг яхши таклифларни танлаши орқали энг яхши таклифларни танлаш ўтказилганда (мазкур йўриқноманинг 1.2-бандига ва ТАЖга қаранг) дастлабки малакани ўтказиш санаси тайинланади

XII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЎКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ

12.1. Таклиф берилгандан кейин энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси энг яхши таклифларни танлаш таклифига ўзгартиришлар киритиши ёки уни ҳисобдан чиқариши мумкин(қонунда белгиланган тартибда).

12.2. Таклифларни бериш муддати тугагандан кейин таклифларга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

XIII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ ОЧИШ ВА БАҲОЛАШ

13.1. Электрон тақдим этилган ҳужжатлар таркибини ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек энг яхши таклифларни танлаш ғолибини аниқлаш ёпиқ кўринишда амалга оширилади. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини ўрганиш ва баҳолашга оид ахборот ошқор қилинмайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13.2. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифларни баҳолаш даври энг яхши таклифларни танлаш таклифларини бериш тугаган кундан эътиборан узоғи билан 10 иш кунини ташкил этади.

13.3. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси таклифларни тўғри тўлдирилганлиги, имзоланганлиги ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади, энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилар малакасини баҳолашни амалга оширади.

13.4. Малака баҳоланганидан сўнг, малакадан ўтган Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларининг молиявий таклифлари ҳисобга олинади.

13.5. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси молиявий таклифларни ўрганади, баҳолашни ўтказади, ғолибни аниқлайди ёки бошқа қарорларни қабул қилади.

13.6. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг барча қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади, овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

13.7. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси томонидан энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари тақдим этган маълумотлар нотўғрилиги аниқланган ҳолда, энг яхши таклифларни танлаш комиссияси ушбу энг яхши таклифларни танлаш таклифини рад қилишга ҳақли.

13.8. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларидан таклифдаги аҳамиятсиз фарқларни эътиборга олмасликка ҳақли, агарда улар бошқа қатнашчилар рейтингига таъсир қилмаса.

13.9. Энг яхши таклифларни танлашга киритилмаган ёки рад қилинган (дисквалификация қилинган) таклифлар баённомаларда қайд этилиб, уларни рад қилиш ёки дисквалификация қилиш сабаблари кўрсатилади.

13.10. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси энг яхши таклифларни танлаш таклифларини батафсил ўрганиш ва баҳолаш учун баҳолаш гуруҳларини тузиши мумкин. Баҳолаш гуруҳларининг таркибига энг яхши таклифларни танлаш комиссияси аъзолари билан биргаликда жалб қилинган эксперт ва консультантлар (энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг қарори бўйича) киритилиши мумкин. Баҳолаш гуруҳларининг аъзолари энг яхши таклифларни танлаш комиссияси аъзолари каби энг

яхши таклифларни танлашни ташкиллаштириш ва ўтказишга доир қонунчиликка ва мазкур энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларига риоя этиш масъулиятини ўз зиммаларига оладилар.

XIV. ТАКЛИФЛАРНИ ТУШУНТИРИШ

14.1. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси таклифларни баҳолаш ва таққослаш учун таклифни энг яхши таклифларни танлаш комиссияси мажлисида кўриб чиқиш вақтида энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларидан таклифлар мазмунига тушунчалар беришни сўраши мумкин. Бунда таклифнинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

XV. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

15.1. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларидан талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган тасдиқловчи ҳужжатлар ўрганилади.

15.2. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари таклифларини уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан баҳолаш ТАЖда кўрсатилган энг яхши таклифларни танлаш таклифларини баҳолаш мезонларига биноан амалга оширилади. Ўрганиш натижалари бўйича баҳолаш гуруҳи аъзолари энг яхши таклифларни танлаш таклифларини баҳолаш варақларини тўлдиришади (техник баҳолаш варағи ТАЖда алоҳида иловаларда намунавий жадвалда тақдим этилади).

15.3. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, баҳолаш варағи қуйидаги шаклда тўлдирилади:

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВАРАҒИ
(ТЕХНИК БАҲОЛАШ)**

| Т/р | Параметрлар номи | Шакл | Максимал балл | Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари | | |
|---------------------|---|----------------------|---------------|---|---|---|
| | | | | 5 | 6 | 7 |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1. | Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар | 1-шакл | 19 | | | |
| 2. | Охирги уч йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлари) Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот | 2-шакл | 34 | | | |
| 3. | Объектнинг буюртмачи белгилаган бошланғич нархининг 20 % гача миқдоридagi айланма маблағлар мавжудлиги | Банк маълумот-номаси | | | | |
| 4. | Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар | 3-шакл | | | | |
| 5. | Энг яхши таклифларни танлаш предметига ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси | 4-шакл | 25 | | | |
| 6. | Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишларини бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари рўйхати | 5-шакл | 20 | | | |
| 7. | Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича шартномалари) объектлари | 6-шакл | Изоҳга қаранг | | | |
| 8. | Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган объектини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома | 7-шакл | 2 | | | |
| Жами баллар: | | | 100 | | | |

Изохлар:

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси баҳолаш якунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа (келгусида - ўтмиш баллари), энг яхши таклифларни танлаш комиссияси аъзоларининг овози қарши ҳисобланиб, техник жиҳатдан малакаси етарли эмас деб ҳисобланади, агар ТАЖда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.

Таклиф қуйидаги ҳолларда кўриб чиқилмайди:

- агар таклиф энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг овоз бериш натижаларига кўра техник малакаси етарли эмас деб топилса;

- 2, 3, 6 - шакллар мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, объект бошланғич нархининг 20% миқдордаги айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси мавжуд бўлмаса.

- 1, 4, 5 ва 7 - шакллар мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмилаштирилмаган бўлса, уларни баҳоси 0 га тенглаштирилади.

15.4. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисидан уни малака талабларига жавоб беришини тасдиқловчи далилларни расмий шаклда тақдим этишни талаб қилишга ҳақли.

15.5. Зарур бўлганда энг яхши таклифларни танлаш комиссияси тақдим этилган ҳужжатларда келтирилган маълумотларни батафсил ўрганиш ва тўғрилигини текшириш учун комиссия таркиби ва жалб этилган мутахассислардан иборат баҳолаш гуруҳини тузишга ва кейинчалик комиссияга тегишли хулосани киритишга ҳақли.

15.6. Баҳолаш гуруҳи тузилган ҳолатда энг яхши таклифларни танлаш комиссияси аъзолари баҳолаш гуруҳининг тавсиялари асосида қарор қабул қилишга ёки энг яхши таклифларни танлаш таклифлари баҳолаш варағини мустақил тўлдиришга ҳақли.

15.7. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг интеллектуал мулкига ва тижорат сирига тажовуз қилишга ҳаққи йўқ.

XVI. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ (НАРХ) ҚИСМИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲОЛИБИНИ АНИҚЛАШ.

16.1 Малакаси етарли энг яхши таклифларни танлашидан муваффақиятли ўтган иштирокчиларнинг молиявий таклифлари инобатга олинади.

16.2 Молиявий таклифларни инобатга олиниши мазкур энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари йўриқномасининг XIII боби талабларига асосан амалга оширилади.

16.3 Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, барча молиявий таклифлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида баҳоланади.

16.4 Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларининг таклифлари қуйида кўрсатилган энг яхши таклифларни танлаш таклифларининг молиявий баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади:

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

| Т/р | Шаклларни баҳолаш параметрининг номи | Баллар миқдори | Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари | | |
|--|--|----------------|---|--|--|
| | | | | | |
| I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. | | | | | |
| 1-шакл (19 балл) | | | | | |
| 1. | Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. | 4 | | | |
| 2. | 3 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга муҳандис ва архитектор ходимларни мавжудлиги. | 3 | | | |
| 3. | Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши лойиҳа бош муҳандисини мавжудлиги. | 3 | | | |
| 4. | Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши лойиҳа бош архитекторини мавжудлиги. | 3 | | | |
| 5. | Доимий равишда ишловчи 2 тадан кам бўлмаган малакали ишчи ходимлар (мутахассислар) мавжудлиги. | 3 | | | |
| 6. | Ходимларнинг ўртача сони 7 кишидан кам бўлмаган. | 3 | | | |
| II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи. | | | | | |
| 2 ва 3-шакллар (34 балл) | | | | | |
| 1. | Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 50 млн. сўм ва ундан кўп. | 6 | | | |
| 2. | Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. | 6 | | | |
| 3. | Охириги йилда 50 млн. сўм ва ундан юқори фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. | 5 | | | |
| 4. | Иш ҳақи фонди 50 млн. сўм ва ундан юқори | 4 | | | |
| 5. | Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффициентини 1,25 ва ундан кўп. | 4 | | | |
| 6. | Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициентини 0,2 ва ундан кўп. | 3 | | | |
| 7. | Объектнинг буюртмачи белгилаган бошланғич нархининг 20% миқдоридagi айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади). | 6 | | | |
| III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси* 4-шакл (25 балл) | | | | | |
| 1. | Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига буюртмачи бошланғич нархининг 50% сўмлик ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади). | 15 | | | |
| 2. | Энг яхши таклифларни танлаш савдосига ўхшаш профил | 10 | | | |

| | | | | | |
|--|---|----|--|--|--|
| | бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш. | | | | |
| IV. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари рўйхати, 5-шакл (20 балл) | | | | | |
| 1. | Компьютер (ноутбук) техникалари 5 дона ва ундан кўп (ҳар бирига 2 балл 10 баллдан юқори эмас) | 10 | | | |
| 2. | Сметаларни ҳисоблаб чиқишда қўллаш учун дастурий комплекс(ABC4-uz) 1 та | 4 | | | |
| 3. | Принтер ва нусха кўпайтириш техникаси 2 та ва ундан кўп | 4 | | | |
| 4. | Ўлчов асбоблари (шагомер, метр) | 2 | | | |
| V. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа шартномалари (объектлари) ҳақида маълумот. 6-шакл. | | | | | |
| 1. | Энг яхши таклифларни танлаш предмети – объект бўйича ишларни бажариш даврида лойиҳани бажариш учун керакли бўлган муҳандис-техник ходимлар (камида 1-2 киши), ҳамда моддий-техник воситалари бошқа объектлар бўйича ишларни бажаришга жалб этилганлиги баҳолаш даврида инobatга олинади – 1 ва 6-шакллар. | | | | |
| VI. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома, 7-шакл (2 балл) | | | | | |
| 1. | Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги | 2 | | | |

XVII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҒОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ.

17.1 Шартномани энг яхши таклифларни танлаш ғолибига берилгани юзасидан энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг қарори охириги ҳисобланади ва муваффақият қозонмаган энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари билан кейинчалик бу масала бўйича бахс ва мунозаралар ўтказилмайди.

17.2 Энг яхши таклифларни танлашларда муваффақият қозонмаган энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари суд инстанцияларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Суд идоралари сўровига кўра, энг яхши таклифларни танлаш комиссияси раиси, энг яхши таклифларни танлаш комиссияси аъзолари ва буюртмачи кўрсатилган энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларини қатнашишдан четлаштириш сабабларини батафсил тушунтиришни ёзма равишда тақдим этадилар.

XVIII. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ.

18.1 Агар ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ғолиб аниқланган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида ғолиб энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида кўрсатилган шакл ва таклифда берилган сумма бўйича шартнома имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

18.2 Шартнома лойиҳа ташкилотларининг мулкчилик шаклидан катъий назар қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошқа шартларни таклиф этишга ҳақли эмас.

18.3 Агар энг яхши таклифларни танлаш ғолиби мазкур энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, энг яхши таклифларни танлаш комиссияси билан биргаликда, таклифи иккинчи ўринни олган энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисини энг яхши таклифларни танлаш ғолиби деб топиши ёки такрорий энг яхши таклифларни танлаш ўтказишни тайинлаши мумкин.

18.4 Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, ғолиб иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақли.

XIX. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ, ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР ИЖРОСИ МОНИТОРИНГИ

19.1 Буюртмачи энг яхши таклифларни танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

19.2 Энг яхши таклифларни танлаш натижаларига кўра эркин муомаладаги валютада тузилган шартнома белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

XX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

20.1 Энг яхши таклифларни танлаш қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади.

агар:

- таклифларни бериш муддатини яқунланишига иккитадан кам таклиф келиб тушса;

- агар таклифларни кўриб чиқиш натижасида энг яхши таклифларни танлаш

комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса:

- энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари таклиф этган нархлар энг яхши таклифларни танлаш предметининг бошланғич қийматидан юқори бўлса;

- энг яхши таклифларни танлаш комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда энг яхши таклифларни танлаш ўтказилмаган деб топилса.

20.2 Энг яхши таклифларни танлашни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши энг яхши таклифларни танлашнинг бирон-бир иштирокчиси (энг яхши таклифларни танлаш комиссияси, буюртмачи, ташкилотчи, энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари)ни мулкый ёки бошқа жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

20.3 Агар энг яхши таклифларни танлаш бўлиб ўтмаган деб топилса, такрорий энг яхши таклифларни танлаш ўтказилади. Бунда энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларини қайта кўришга руҳсат этилади.



ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

| Т/р | Бўлим номи | Бўлимга изохлар |
|-----|--|--|
| 1. | Буюртмачи ташкилот номи: | “Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК |
| 2. | Объект номи: | Паркент тумани Истиқлол МФЙ Мехнатабод кўчасини жорий таъмирлаш лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш |
| 3. | Энг яхши таклифларни танлаш тури: | Очиқ энг яхши таклифларни танлаш |
| 4. | Энг яхши таклифларни танлаш хужжатларини электрон шаклда олиш манзиллари: | https://xarid.uzex.uz |
| 5. | Энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон: | https://xarid.uzex.uz |
| 6. | Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун банк кафолатининг миқдори ва шакли: | Энг яхши таклифларни танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати бўйича энг яхши таклифларни танлаш объекти бошланғич нархнинг 3 % миқдоридеги суммани “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” акциядорлик жамиятининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш орқали энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш буюртманомасини таъминлаш амалга оширилади. Пул ўтказиш учун реквизитлар: МФО 00491, “Трастбанк” ХАБ Амалиётлар бошқармаси х/р: 20208000900600257053 СТИР 200933985 |
| 7. | Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этишга куйидаги иштирокчиларга рухсат этилади: | Шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурслари ҳамда бошқа ресурслари мавжуд; шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга; солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаган; ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллари мавжуд эмас; Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаган. |
| 8. | Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса): | Лицензия талаб этилади. |
| 9. | Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатлари: | https://xarid.uzex.uz/ да кўрсатилган мудда бўйича |
| 10. | Энг яхши таклифларни танлаш хужжатининг тили: | Ўзбек тили |
| 11. | Энг яхши таклифларни танлаш таклифининг амал қилиш муддати: | Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини бериш муддати тугаган кундан бошлаб 30 кун мобайнида |
| 12. | Қўшимча хужжатлар рўйхати: | Иштирокчининг гувоҳнома, лицензия нусхалари. Солиқ қарздорлиги ва бошқа мажбурий тўловлар йўқлиги тўғрисида ДСИ маълумотномаси. Иштирокчининг ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида ДСИ маълумотномаси. |

| | | |
|-----|--|---|
| | | Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида келтирилган шакл ва иловаларга илова қилинадиган тасдиқловчи ҳужжатлар: ходимларнинг диплом нусхаси, ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ ва электрон меҳнат дафтарчалари нусхаси; ДСИ ёки статистика бошқармаларига топширилган охириги ҳисобот давридаги ходимлар ўртача сони ва иш ҳақи жамғармаси кўрсатилган ҳисоботлар нусхалари; бажарилган ишлар далолатномалари (ҳисоб-фактуралар) нусхалари; Баланс 1-шакл ва Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлари нусхалари (охириги 3 йиллик); ижара шартномаси нусхалари. |
| 13. | Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини баҳолаш муддати: | Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошishi мумкин эмас. |
| 14. | Иштирокчиларнинг молиявий таклифларини инобатга олишга рухсат этиладиган иштирокчилар: | Ўтishi балли 60 балл ва ундан юқори балл тўплаган иштирокчиларга рухсат этилади. |
| 15. | Буюртмачининг объект лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун бошланғич нархи: | (ҚҚС билан)- 15 447 000сўм. (ҚҚС сиз) – 13 432 174 сўм. |
| 16. | Буюртмачи томонидан белгиланган ишларни бажариш муддати: | Топшириш муддати 20 кун. |
| 17. | Молиялаштириш манбаи: | бюджет маблағлари |
| 18. | Буюртмачининг объект сметасини тайёрлашни молиялаштириш тартиби: | Шартнома имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик амалиёт бошқармасидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин 5 иш куни мобайнида шартнома қийматининг 30 % миқдоридан аванс маблағи бажарувчи ҳисоб рақамига ўтказилади. Шартнома баҳосининг қолган қисми (муаллифлик назорати харажатларидан ташқари) бажарилган ишлар қабул қилингандан кейин 10 иш куни ичида амалга оширилади. |
| 19. | Шартнома тили: | Ўзбек тили |
| 20. | Шартнома валютаси: | Ўзбек сўми |

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг номи _____

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси раҳбарининг Ф.И.Ш. _____

Манзили ва телефон (факс) рақами _____

Юридик мақоми _____

Рўйхатдан ўтган рақами, санаси ва жойи _____

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) _____

Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:

| Т/р | Ф.И.Ш. | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) | Иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозими |
|-----|--------|---|--------------------|--------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | | | | |
| | | | | |

Асосий ходимлар (ЛБМ, ЛБА, муҳандис ва архитекторлар)

| Т/р | Ф.И.Ш. | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) | Иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозими |
|-----|--------|---|--------------------|--------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | | | | |
| | | | | |

Қадрлар бўлими бошлиғи

/имзо ва муҳр/

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси раҳбарининг имзоси:

Тузилган сана: “__” _____ 20__ й.

Изоҳ: Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари томонидан ишчи ходимларнинг доимий иш фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади.

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

(Шаклга охириги 3 йилдаги молиявий натижалар ва бухгалтерия баланслари ҳақидаги
ҳисоботлар илова қилинади)

(Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчининг номи)

(бухгалтерия баланси №1-сонли шакл)

Минг сўмда.

| АКТИВЛАР | 2019й | 2020й | 2021й | ПАССИВЛАР | 2019й | 2020й | 2021й |
|--|-------|-------|-------|---|-------|-------|-------|
| Узоқ муддатли активлар | | | | Ўз маблағлари манбаи | | | |
| Асосий воситалар(010 сатр) | | | | Устав фонди (410+420+430+440) сатр) | | | |
| Шундан Ишлаб чиқариш фондлари | | | | Таксимланмаган фойда (450 сатр) | | | |
| Қолдик қиймат (130 сатр) | | | | Мажбуриятлар | | | |
| Капитал қўйилмалар(100сатр) | | | | Займлар | | | |
| Тугалланмаган ишлаб чиқариш (160 сатр) | | | | Кредитор қарздорлик (600 сатр) | | | |
| Жорий активлар | | | | Шундан муддати ўтган қарздорлик(602 сатр) | | | |
| Айланма маблағлар (390сатр) | | | | Шундан бюджетдан қарздорлик(680 сатр) | | | |
| Улардан ишлаб чиқариш захиралари (150 сатр) | | | | Шундан иш ҳақидан қарздорлик (720 сатр) | | | |
| Дебитор қарздорлик(210сатр) | | | | | | | |
| Шундан муддати ўтган қарздорлик(211 сатр) | | | | | | | |
| Жами баланс активи бўйича(400 сатр) | | | | Жами баланс пассиви бўйича(780 сатр) | | | |

МОЛИЯВИЙ НАТИЖА

(Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот №2-сонли шакл)

Минг сўмда.

| Номи | 2019й | 2020й | 2021й | Номи | 2019й | 2020й | 2021й |
|---|-------|-------|-------|--|-------|-------|-------|
| 1. Реализациядан олинган тушум | | | | 8. Соф фойда (270 сатр)(1)+(2) | | | |
| 2. Реализациядан олинган соф тушум(010 сатр) | | | | Шундан асосий фаолият бўйича (1) | | | |
| 3. Реализация қилинган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннари(020 сатр) | | | | Умумхўжалик фаолият бўйича (2) | | | |
| 4. Маъмурий харажатлар (060 сатр) | | | | 9. Асосий фаолиятдан олинган фойда (100 сатр) | | | |
| 5. Бошқа харажатлар (070 сатр) | | | | 10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда(220 сатр) | | | |
| 6. Даромад солиғи тўловигача фойда(240 сатр) | | | | 11. Зарар | | | |
| 7. Даромад солиғи (250 сатр) | | | | шундан асосий фаолиятдан | | | |
| | | | | умумхўжалик фаолиятдан | | | |

Баланс фойдаси _____

Охириги 3 йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб борилганми? _____

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот.

Минг сўмда.

| СТИР | Ташкилот тоифаси | Ташкилот томонида ўтган йил (2021 йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия баланси (Ф-1) ҳисоботи кўрсаткичлари. | | | | | | | | | | | |
|------|------------------|---|---|---|----------|----------|---|---|----------|----------|----------|----------|--|
| | | Асосий воситалар қолдиқ (баланс қиймати) Ф-1, 012-сатри | Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициентини (1,25) = 5/(6-7) | Бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар | | | Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициентини (0,20) = (9+10+11-12)/13 | Бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар | | | | | |
| | | | | 390-сатр | 770-сатр | 490-сатр | | 480-сатр | 570-сатр | 580-сатр | 130-сатр | 390-сатр | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | |
| | | | | | | | | | | | | | |

Қоплаш коэффициентини (тўловга қодирлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у фақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайганлигидан далолат беради.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$K_{пл} = \text{Жорий (айланма) активлар} / \text{жорий мажбуриятлар} = A2 / (П2 - Д0), \text{ бунда:}$$

A2 - жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу кабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

П2 - мажбуриятлар, баланс пасивининг II бўлими, 770-сатр;

Д0 - узоқ муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга қодирлик коэффициентини ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициентини ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{ос} = (П1 + Дзк2 - A1) / A2, \text{ бунда:}$$

A1 - узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар ва шу кабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

П1 - ўз маблағлари манбалари (устав капитали, захира капитал, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва шу кабилар), баланс пасивининг I бўлимининг якуни, 480-сатр;

Дзк2 - узоқ муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрлари йиғиндиси).

A2 - жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу кабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

Ушбу қасрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг қанча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, маҳражи - барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати - 0,2.

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициентини 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган деб ҳисобланади.

Раҳбар _____ Бош ҳисобчи _____

Сана: « ____ » _____ 20 ____ й.

Мухр

Изоҳ: Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари таркибида аудитор компаниясининг ижобий хулосасини тақдим этиши мумкин. Баланс ҳисоботларининг нусхалари тақдим этилиши шарт.

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ИШ ҲАҚИ ЖАМҒАРМАСИ
ВА ХОДИМЛАР ЎРТАЧА СОНИ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| Давр | СТИР | Маҳсулот (товар ва хизматлар)ни реализациясидан соф тушум (Ф-2, 010-сатри), минг сўмда | Иш ҳақи жамғармаси, минг сўмда | Ходимларнинг ўртача сони (ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи ҳисобланган ходим сонидан келиб чиқиб) |
|---|------|--|--------------------------------|--|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| Х | | Х | Х | Х |
| 2021 йил якуни бўйича | Х | | | |
| Жорий йил (2022 йил) охириги ҳисобот даври бўйича | Х | | | |
| Жами | Х | | | |

Шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи _____

Шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси камерал назорат бўлими бошлиғи _____

Изоҳ: Иловада келтирилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар, яъни энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг 2021 йил якуни бўйича ДСИ ёки статистика бошқармаларига топширилган ходимларнинг ўртача сони ва иш ҳақи жамғармаси кўрсатилган ҳисоботлар нусхалари илова қилинади.

**«Тошкент вилояти
минтақавий йўлларга
буюртмачи хизмати» ДУК
ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ
ТАНЛАШ КОМИССИЯСИ РАИСИГА**

**АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ МАВЖУДЛИГИ ТЎҒРИСИДА
МАЪЛУМОТНОМА**

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчи энг яхши таклифларни танлаш объекти бошланғич нархининг камида 20% миқдорида айланма маблағларига эга бўлиши ёки ушбу маблағларни бериш учун банк кафиллигига эга бўлиши керак.

Шундан келиб чиққан ҳолда, _____
(энг яхши таклифларни танлаш савдоси предметининг номи)

_____ объекти бўйича энг яхши таклифларни танлаш савдоларида қатнашиш учун,

_____ манзили бўйича қайд этилган офисга эга
(юридик манзил)

_____ ушбу маълумотнома тақдим қилади, шу ҳақдаки,
(банк номи)

_____ энг яхши таклифларни танлаш савдоларида қатнашиш учун
(энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг номи)

« ____ » _____ 20 ____ йил ҳолатига _____ сўм миқдорида айланма маблағларига эга, шу жумладан ишлаб чиқариш заҳиралари _____ сўм, ҳисоб рақамидаги пул маблағлари _____ сўм.

Бошқарувчи Имзо (Ф.И.О)

Бош ҳисобчи Имзо (Ф.И.О) Мухр ўрни

Изоҳ:

1. Ушбу маълумотнома банк томонидан идора бланкасида белгиланган тартибда тақдим этилади.
2. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси, махсус ахборот порталида энг яхши таклифларни танлаш эълон қилингандан кейинги ҳолатга энг яхши таклифларни танлаш объекти бошланғич нархининг камида 20% миқдоридаги айланма маблағга эга бўлиши керак.

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ПРЕДМЕТИГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ

(Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг номи)

| Т/р | Объект номи, шартнома суммаси, ишларнинг бошланиш ва яқунланиш санаси | Буюртмачи номи | Бажарилган ишлар суммаси | Шундан йиллар бўйича | | |
|-----|---|-------------------|--------------------------------|----------------------|---------|---------|
| | | | | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | Жами: | | | | | |

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган сана “__” _____ 20__ й.

Тасдиқланган: _____

(бош ҳисобчи имзоси)

Мухр

Изоҳ: Маълумотлар энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси томонидан ҳар бир объект бўйича ишлар тури бўйича мустақил тўлдирилади ва бажарилган иш(хизмат)лар далолатномаларининг нусхалари билан тасдиқланади.

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ИШЛАРНИ
БАЖАРИШДА
ФОЙДАЛАНДИГАН МОДДИЙ-ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ РЎЙХАТИ**

| Т/р | Номи | Маркаси | Ўлчов бирлиги | Сони | Ишлаб чиқарилган йили | Техник ҳолати | Балансида ёки ижарада |
|--------------|------|---------|------------------|------|-----------------------------|------------------|-----------------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| ЖАМИ: | | | | | | | |

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: « ___ » _____ 20__ й.

Муҳр

Изоҳлар:

1. 8-устунига моддий-техник воситаларининг энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг балансида эканлиги ёки ижарага олинганлиги тўғрисида маълумот киритилади.

2. Хоналар корхона балансидаги бинога тегишли бўлса, бино кадастр хужжатининг нусхаси тақдим этилади. Хоналар ва моддий-техник воситалари ижарага олинганда ижара шартномасининг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажариш даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ЖОРИЙ ДАВРДАГИ
БОШҚА ШАРТНОМАЛАРИ (ОБЪЕКТЛАРИ) ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ**

| Т/р | Буюртмачи номи | Объект номи | Шартнома суммаси | Шартнома бўйича ишларни бошланиш ва яқунланиш санаси | Мавжуд моддий- техник воситалари номи | Энг яхши таклифларни танлаш предмети – лойиҳани бажариш вақтида бошқа объектлар бўйича ишларни бажаришга жалб этилган моддий техник воситалари сони – (ойлар бўйича) | | | |
|-----|-------------------|----------------|---------------------|--|---|---|--|--|--|
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: « ___ » _____ 20__ й.

Муҳр

**ЛОЙИҲА-СМЕТА ҲУЖЖАТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИГАН ҚУРИЛИШ
(ТАЪМИРЛАШ) ОБЪЕКТИНИ КЎЗДАН КЕЧИРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА
МАЪЛУМОТНОМА.**

Ушбу билан тасдиқланадики, мен _____,
(Ф.И.Ш, лавозими.)

_____ топшириғига биноан
(энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси номи)

лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектида ва унга туташ худудларда бўлдим, шунингдек:

а) энг яхши таклифларни танлаш хужжатларини, шунингдек энг яхши таклифларни танлаш хужжатларининг техник қисмини батафсил ўргандим;

б) мазкур шартномани сифатли, тўла ва ўз вақтида бажарилишига, келгусидаги ишларни қийматига, ҳажмларига ва ишларни бажариш муддатига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ҳамда бошқа ҳолат ва шароитлар билан танишдим ва бизнинг таклифимизда ҳисобга олдим.

Иштирокчининг объектни кўздан кечирган вакили: _____
(Ф.И.Ш) _____ имзо

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: «__» _____ 2022 й.

Муҳр